

Аширбаева Дилором Равшановна
«Корейсфилологияси» кафедраси
мустақилизланувчиси
Тошкент давлат шарқшунослик университети

КОРЕЙС ТИЛИДАГИ АКА (형/오빠) ВА ОПА (누나/언니) МУРОЖААТЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР

Аннотация. Мурोजаат бирликлари кундалик ҳаётимизда, нутқ фаолиятида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа алмашувига фаол хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини акс эттирадиган, ўзига турли модал маъноларни ташийдиган ўткир, таъсирчан воситадир. Нутқий восита ҳисобланган мурोजаат бирликларини янгича қарашлар, назариялар асосида қиёсий ўрганиш, мақолада ёритиладиган мурोजаатлар этимологияси, мурोजаатларни корейс ва ўзбек нутқий мулоқотидаги ўрнини белгилаш, умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, таржимада ифодаланиши масаласини ёритиб бериш кабилар ҳар жиҳатдан муҳим бўлиб, улар мазкур мақоланинг моҳиятини белгилайди. Хусусан, мақолада корейс мулоқотида гендер тафовутларининг мавжудлиги ва қиёсий таҳлил орқали уларнинг таржимада берилиши ёритилган.

Калит сўзлар: мурोजаат, аёллар нутқи, эркаклар нутқи, аёллар учун «опа» 언니, аёллар учун «ака» 오빠, эркаклар учун «опа» 누나, эркаклар учун «ака» 형

Аннотация. Обращение — это слово или словосочетание, обозначающее лицо или предмет, к которому обращена речь. Единицы обращения являются острым, выразительным средством передачи различных модальных смыслов, отражающее отношение говорящего к слушающему, активно выступающим во взаимодействии, широко используемое в речевой деятельности в нашей повседневной жизни. В статье рассматривается этимология обращений «брат» и «сестра», освещается наличие гендерных различий в корейском общении и их перевод посредством сравнительного анализа, определение позиции обращений в речевом общении корейцев и узбеков, выявление общих и различных аспектов, выделение вопроса об их выражении в переводе и т.д.

Ключевые слова: обращение, женская речь, мужская речь, «сестра» 언니 для женщин, «брат» 오빠 для женщин, «сестра» 누나 для мужчин, «брат» 형 для мужчин

Маълумки, тил вужудга келиш нуқтаи назаридан катта ижтимоий эҳтиёж билан боғланади. Жамиятни ташкил этган инсонлар бир-бирларига ниманидир айтиш - фикр билдириш, узатиш ва, шунингдек, ахборот олиш орқалигина яшашлари мумкин бўлган. Бу жараёнда улар, албатта, ўзаро бир-бирларига

мурожаат қилганлар. Жамиятнинг тадрижий ривожланиши, меҳнат тақсимооти аста-секин кишиларнинг алоҳида гуруҳ ва табақаларга ажралишига олиб келган. Бунинг натижасида ҳар бир гуруҳнинг, табаканинг ўзига хос мурожаат йўсинлари шаклланган. Масалан, оддий халқ мурожаати, зодагонлар мурожаати бир-биридан фарқлана борган ва мурожаатнинг барқарорлашган шакллари устуворлик касб этган. Шунингдек, мурожаат шакли айтиб бир тилда сўзлашиладиган турли минтақаларда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўла борган. Бир ўзбек тилининг ўзида ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин: Хоразмда *ёшулли*, Бухорода *усто*, Самарқандда *жўра* кабилар ўзбек тилидаги мурожаатнинг минтақалараро фарқланишини кўрсатади.

Тил ҳақида фикр юритган Аристотель, Цицерон, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби алломалар, албатта, нутқий мулоқотнинг мурожаат шакли ҳақида ҳам фикр билдирганлар. Хусусан, Абу Али ибн Сино жамиятнинг барқарор туришини ўзаро мулоқот билан боғлар экан, унда кишилар бир-бирига мурожаат қилишга ҳам муҳтож эканликларини кўрсатади.

Мурожаат бирликларидан нутқда тингловчи эътиборини тортиш, хитоб қилиш, ундаш каби мақсадларда фойдаланилади. Бундай бирликларда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги турли коммуникатив муносабатлар ифодаланган бўлади.¹ Шундай экан, таржимада корейс ва ўзбек дискурсида мурожаатлар қўлланиш даражасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари юзага келади.

Корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаатларнинг таржимада берилиши қиёсий *метод* орқали амалга оширилди.

Мурожаат бирликлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида рус тилшунослиги ва қиёсий тилшуносликда маълум изланишлар олиб борилган.² Ўзбек тилшунослигида С.Мўминов ва З.Акбароваларнинг тадқиқотларида мурожаат бирликлари социолингвистик ва психолингвистик жиҳатдан ўрганилган.³ Корейс нутқий мулоқотидаги мурожаат бирликлари Г.Ким, Ҳ.К. Жоҳн⁴, корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликлари қиёсий жиҳатдан Ш.Усмановнинг илмий мақолаларида ўрганилган⁵

¹Аҳмедова Н. Мурожаат бирликларининг вазифалари Тилшуносликнинг долзарб масалалари. (Илмий мақолалар тўплами). ВИ китоб. Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ. –Тошкент, 2013 . Б 167-170

² Гольдин В.Е. Обращение: теоритические проблемы. –Саратов, 1987; Рыжова Л.П. Обращение как компонент коммуникативного акта: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –М.: ИРЯ им А.С.Пушкина, 1982; Глаголева Н.М. Функционально-семантическое поле обращения в современном русском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Таганрог, 2004; Дорофеева А.В. Английское обращение в системе и в дискурсе: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Тверь, 2005; Полонский А.В. Категориальная и функциональная сущность адресатности (на материале русского языка в сопоставлении с польским): Автореф. дис. ...докт. филол. наук. –Орёл, 2000.

³Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий лисоний хусусиятлари. Филол. фанлари д-ри дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол. фанлари номзоди дисс. –Тошкент, 2007.

⁴Ким Г. О категории обращения и речевом этикете в корейском языке // <http://www.koryosaram.freenet.kz/articles/ks-address-forms.doc>; John H.K. The Term of Address “You in South Korea Today” // Korean Journal. Vol.32. No.1, Spring 1992.

⁵Усмонова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундамалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. –Тошкент: “Университет”, 2004. –Б.74-77; Усмонова Ш. Ўзбек ва корейс тилларидарасий мурожаат шакллари// Лингвист / Илмий мақолалар тўплами. III. – Тошкент: 2012. –Б. 162-166.

Маълумки, мурожаат бирликларининг бир неча мавзуй гуруҳлари мавжуд (қариндош уруғчилик, касб-хунар ва лавозим, кишиларнинг ёши, миллати ва антропонимлар ва х.к.лар билан боғлиқ мурожаат бирликлари) бўлиб, уларнинг ҳар бири мулоқот жараёнида ўз лексик - семантик хусусиятига эга. Мазкур мақолада кишиларнинг қариндошлик мурожаатларидан бўлмиш «ака» ҳамда «опа» билан боғлиқ мурожаатларнинг қўлланиш доиралари таҳлилга тортилди.

Корейс жамияти ва оиласи поғонали (иерархик) муносабатлар асосига қурилган бўлиб, улар “олий - юқори - юқори - меъёрда - қуйи - қуйироқ - энг қуйи” сингари даражаларни ўз ичига олади. Мазкур даражалар мурожаатларда ҳам ўз аксини топган. Корейс оиласидаги муносабатлар ғоятда мураккаб бўлиб, “мендан катта // кичик” шартига қатъиян амал қилинади. Катталарга ҳар доим “сизлаб” гапирилади.

Корейс оиласида ака ва опаларни исми билан чақириш қатъиян ман қилинган. Кези келганда, корейс дискурсининг ўзига хос гендер тафовутларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Корейс аёлларининг нутқида 오빠ўнна «ака», 언니ўнни «опа», корейс эркакларининг нутқида 형хёнг «ака», 누나нуна «опа» сингари мурожаат шакллари фарқланади.

Аёллар нутқидаги «언니» ўнни «опа» мурожаатининг этимологияси иероглифларга тақалувчи «알/앗, 엇» ат га 니ни қўшимчасини бирлаштириш орқали шаклланган бўлиши мумкин деган фикр мавжуд. Бундай ҳолда, «알/앗, 엇» ат «биринчи» деган маънони англатади. Демак, «알니, 앗니, 엇니» атни/анни/ўнни «биринчи туғилган» деган маънога эга. Бу атама катта опа сингиллар ёки катта аёлга нисбатан атама бўлиб ўзгартирилган деб қаралади. Бироқ, ушбу қарашнинг муаммоси шундаки, «알니, 앗니, 엇니» атни/анни/ўнни мурожаатлари асрлар давомида ҳужжатлаштирилмаган. Ишончли адабиётнинг чекланганлиги сабабли ушбу фараз ишончли эмас деб қаралади. 언니ўнни мурожаатини фақатгина XX асрга келиб, адабиётларда учратиш мумкин бўлиб, бу вақтга қадар 언니ўнни каби сўзнинг шакли йўқ эди деб тахмин қилинган. 언니ўнни сингари 姉 «опа» иероглифининг адабиётларда учраши ва унинг талаффузи ҳамда кўриниши 누이нуи шаклида бўлиши гапимизни исботлайди. Бу ҳолатнинг сабабини Корея кўп асрлар давомида хитой иероглифларидан фойдаланганида деб кўрсатиш мумкин. Асрлар давомида 姉 иероглифи ўзгаришларга учраб, 만누의|матнуу «энг катта опа», 아우누의|аунуу «катта опа», 아래누의|аренуу «кичик опа» каби кўринишда юзага келди. Бироқ, XX аср маълумотларига кўра 姉 иероглифи 웃누의|утнуэ сифатида мулоқотда фойдаланила бошланди. 웃누의|утнуэ мурожаати

фонологик ўзгаришларга учраб, бугунги кунда кенг фойдаланиладиган «언니» ўрни кўринишига айланган бўлиши мумкин деган қарашлар мавжуд.⁶

언니/시간이있으면저녁을같이합시다.

(Ona), вақтингиз бўлса кечки овқатни бирга қилайлик.

Мазкур мисолда қавс ичига олинган таржимада мурожаат ўз опасига қаратилган. Агар қавсиз шаклда ёзилса, у ҳолда аёл киши ёши жиҳатидан ўзидан катта бўлган аёл касбдошига нисбатан қўлланилган мурожаат дейиш мумкин. Сабаби корейс мулоқот маданиятида кишиларга исм билан мурожаатлар камдан кам ҳолларда ёки ўта самимий муносабатларда ишлатилади. Шу билан бирга олмош сўз туркумига оид «сен» ва «сиз» сўзлари билан ифодаланиш ҳоллари ҳам камдан кам фойдаланилади. Уларнинг ўрнига вазиятга мос бўлган мурожаат бирликлари қўлланилиб, ўзбек тилига муқобил вариантда таржима қилинади.

언니 ўрни «опа» кўринишидаги мурожаат шакллари бугунги кундаги замонавий корейс мулоқот маданиятида кафе ва ресторанларда ҳам учратиш мумкин.

Ўғил болалар нутқидаги 누나 «опа» мурожаатининг шаклланиш даври ҳам қизлар нутқидаги 언니 ўрни «опа» мурожаати сингари деярли бир хил даврни бошдан кечирган. Мазкур мурожаат ҳам луғатларда XIX асрда учраб 누의 «нуэдан» 누이 «нуига», 누의님 «нуэнимдан» 누이님 «нуиним» кейин эса 누님 «нуним» шаклларида ривожланган бўлиб, бугунги кунда барчамизга таниш бўлган 누나 «опа» кўринишидаги мурожаат XX асрдагина пайдо бўлди.

Қизларнинг нутқида ўта фаол бўлган қариндошлик оти 오빠 ўнна «ака» турли ҳолатларда мурожаат вазифасини ўтайди. 오빠 ўнна «ака» мурожатининг этимологияси ҳам ўзига хос бўлиб, тарихан қўйидагича шаклланган.

오빠 ўнна «ака» мурожати тарихан 오라비 ўраби шаклида бўлиб, асосан, бир ота-онадан туғилган, ёшидан қатъий назар, эркаклар учун умумий атама эди, аммо маъно ва шаклнинг ўзгариши натижасида айнан бир ота-онадан туғилган ўғил болаларнинг "каттаси" деган маънони англатган. XVIII асрларда мазкур мурожаатдан ўзларидан катта, кичик ёки тенгдош бўлган ўғил болалар фойдаланишган. «올» ва «아비» сўзларининг қўшилишидан ташкил топган бўлиб, ота билан бир поғонада турувчи, аммо тажрибасиз йигит сифатида талқин қилинган. XX аср бошларида 오라비 мурожаати 오빠 ўнна кўринишида шаклланади. Айнан мана шу даврдан бошлаб бу мурожаат ўзидан ёши катта ўғил болалар ҳамда қариндош бўлмаган кишилар орасида фойдаланила

⁶https://www.korean.go.kr/front/onlineQna/onlineQnaView.do?mn_id=216&qna_seq=97248

бошлайди.⁷오라비|ўраби вақт ўтиши билан нафақат шакл жиҳатидан, (옴바|ўнба шаклидан 오빠|ўнна шаклига ўзгарди) балки маъно жиҳатидан ҳам ўзгаришларга учраб, ака-ука маъноси қисқариб, фақатгина ўзидан катта бўлган ўғил болаларни ифодаловчи маънони англата бошлайди. Фақатгина оилада қўлланган мазкур мурожаат вақт ўтиши билан оиладан жамиятга тарқалиб, бугунги кундаги 오빠|ўнна кўринишида юзага келди.

Бугунги кунга келиб қизлар ўзидан катта йигитларни, унаштирилган йигитларини, ҳамда ўзидан юқори синфда ёки курсда ўқийдиган болаларни 오빠|ўнна деб чақиришади. Агар шахсга нисбатан тўғридан тўғри мурожаат қилинса 오빠|ўнна, агар III шахс сифатида қўлланилса аввал исм, сўнг 오빠 (민수오빠|ўнна) (Минсу ўнна) тарзида ифодаланилади.

오빠, 오늘공연보러갈래?

(Ака) бугун театр тамошасига борамизми?

Мазкур мисолда қиз ўз акасига нисбатан мурожаат қилган бўлса ака деб таржима қилиш мумкин. Агар ўзидан катта бўлган йигитга қарата қилинган мурожаат бўлса, у ҳолда таржима қилинмасдан шундайлигича қолдириш мумкин.

Поғонали муносабатларда самимиятни ифодалайдиган ва «ака» маъносини берадиган мурожаат бирликларидан яна бири эркакларнинг нутқида хос бўлган 형хёнг «ака» мурожаатидир. 형хёнг «ака»ундалмаси акага, қайноғага, ўзидан катталарга, юқори синфда ёки курсда ўқийдиганларга нисбатан ишлатилади⁸. Эркакларининг нутқида 형хёнг «ака» мурожаати жиноий гуруҳ етакчисига нисбатан ҳам қўлланилади.

형, 한가지부탁이있는데들어주겠어?

Ака, бир илтимосим бор эди, атаверайми?

Жануби шарқий худудларда яшовчи аҳолининг маҳаллий шевасида хёнг «ака» мурожаати시아|ица, 히야 хия деб ҳам юритилади. Масалан, 형님хёнгним мурожаатини 성님сўнгнимёки 행님хенгним деб атаб, қисқарган шаклида хем хем деб талқин қилишади. Ёш болаларнинг тили энди чиқаётганида 형아|хёнга деб, ᄒхҳарфини айта олмаган ҳолатларда эса 영아|ўнга деб юритилиш шакллари ҳам мавжуд.

Маълумки, қариндошлик терминлари нутқда қариндошлиги бўлмаган кишиларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бунда уларнинг ёши инобатга олинади.

⁷<http://rubyweb.kr/2020/02/7876?ckattempt=1>

⁸Усмонова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари.

–Тошкент: “Университет”, 2004. –Б.76; Усмонова Ш. Ўзбек ва корейс тилларидарасий мурожаат шакллари// Лингвист / Илмий мақолалар тўплами. III. – Тошкент: 2012. –Б. 163.

Хусусан, ўзидан ёши катта эркакларга нисбатан аёллар нутқида 오빠|ўппа, эркаклар нутқида 형|хёнг, ўзбек тилида ҳар иккала жинс вакиллари учун ака, ёш қизларга корейс тилида아가씨|агаши, ўзбек тилида сингил, ўрта ёшли эркакларга корейс тилида아저씨|ажоши, ўзбек тилида амаки, ўрта ёшли аёлларга корейс тилида아줌마|ажумма, ўзбек тилида хола, келинойи, шу билан бир қаторда사모님|самоним (мазкур хитоб шакли, асосан зиёлилар ва юқори табақадагиларнинг аёлига нисбатан ишлатилади) деб мурожаат қилиш мумкин.

Корейс тилида касбдошлар ўртасидаги мурожаат шаклларида қариндошлик терминларидан хисобданувчи «ака» ва «опа» жуда кенг қўлланилади. Масалан, иш жойида қиз ходимлар ўзаро 언니|ўнни яъни, «опа»деб мурожаат қиладилар. Ўғил болаларда형|хёнг, яъни, «ака» деб мурожаат қиладилар ва бундай ҳолатларда ушбу мурожаат шакллари уларнинг ўзаро ака-ука ёки опа-сингил эканлигини англатмайди. Исмга 님|ним (хоним ёки жаноб) қўшимчасини қўшиб ҳам мурожаат қилиш мумкин. Бу мавзу кишиларнинг касб ҳунар ва лавозим билан боғлиқ мурожаат бирликларида кенг ёритилади.

Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Аёллар нутқидаги «언니» ўнни «опа» мурожаатининг этимологияси иероглифларга тақалувчи «알/앗, 엇» ат га 니|ниқўшимчасини бирлаштириш орқали шаклланган бўлиши мумкин деган фикр тахмин қилиниб, бундай ҳолда, «알/앗, 엇» ат «биринчи» деган маънони англатади. Демак, «알니, 앗니, 엇니» атни/анни/ ўнни «биринчи туғилган» деган маънога эга. Бу атама катта опа сингиллар ёки катта аёлга нисбатан атама бўлиб ўзгартирилган. Замонавий корейс тилидаги «언니» ўнни «опа» мурожаати XX асрга келибгина муомалага киритилган деб қаралади.

2. Эркаклар нутқидаги 누나|нуна «опа» мурожаати ҳам 언니|ўнни «опа» мурожаати сингари тарихий жараёни бошдан кечириб, шаклан қуйидаги кўринишларда ривожланган: 누의|нуэдан 누이|нуига, 누의 님|нуэнимдан누이 님|нуиним кейин эса 누님|нуним шаклларида ривожланган бўлиб, бугунги кунда барчамизга таниш бўлган 누나|нуна кўринишидаги мурожаат XX асрдагина пайдо бўлди.

3. Аёллар нутқидаги 오빠|ўппа «ака» мурожати тарихан 오라비|ўраби шаклида бўлиб,асосан, бир ота-онадан туғилган, ёшидан қатъий назар, эркаклар учун умумий атама эди, аммо маъно ва шаклнинг ўзгариши натижасида айнан

бир ота-онадан туғилган ўғил болаларнинг "каттаси" деган маънони англатган. Мазкур мурожаатдан фақатгина ўзларидан катта ёки тенгдош бўлган ўғил болалар фойдаланишган. XX аср бошларида 오라비 мурожаати 옴바ўнба кўринишида шаклланади ва қўлланилиш ҳолати ҳам ўзгариб, бу мурожаатдан фақатгина аёллар фойдала бошлайдилар.

4. Эркаклар нутқига хос бўлган 형хёнг «ака» мурожаатини ўзидан катта ўғил болаларга, юқори синфда ўқийдиган болаларга, қайноғасига қарата мурожаат қилинганида фойдаланилади. Жануби шарқий ҳудудларнинг шеваларида эса ушбу ундалманинг 시아 *циа*, 히야 *хия* кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, 형님хёнгним мурожаатини 성님сёнгнимёки 행님хенгним кўринишида қисқарган шакллари ҳам бор.

Юқорида баён қилинган фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, корейс тилида бугунги кундаги «ака» ва «опа» мурожаатларининг тарихий шаклланиш жараёнлари ўзига хос бўлиб, мазкур мурожаатларнинг барчаси ҳам тарихий шакли ҳамда қўлланилиш доирасини сақлаб қолмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳмедова Н. Мурожаат бирликларининг вазифалари Тилшуносликнинг долзарб масалалари. (Илмий мақолалар тўплами). ВИ китоб. Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ. –Тошкент, 2013 .
2. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол. фанлари номзоди дисс. –Тошкент, 2007.
3. Гольдин В.Е. Обращение: теоритические проблемы. –Саратов, 1987
- 4.Глаголева Н.М. Функционально-семантическое поле обращения в современном русском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Таганрог, 2004
5. Рыжова Л.П. Обращение как компонент коммуникативного акта: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –М.: ИРЯ им А.С.Пушкина, 1982
6. Дорофеева А.В. Английское обращение в системе и в дискурсе: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Тверь, 2005
7. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий лисоний хусусиятлари. Филол. фанлари д-ри дисс. автореф. –Тошкент, 2000
8. Ким Г. О категории обращения и речевом этикете в корейском языке // <http://www.koryosaram.freenet.kz/articles/ks-address-forms.doc>; John H.K. The Term of Address “You in South Korea Today” // Korean Journal. Vol.32. No.1, Spring 1992.
9. Полонский А.В. Категориальная и функциональная сущность адресатности (на материале русского языка в сопоставлении с польским): Автореф. дис. ...докт. филол. наук. –Орёл, 2000.
10. Усмонова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. –Тошкент: “Университет”, 2004. -Б.76
11. <http://rubyweb.kr/2020/02/7876?ckattempt=1>
12. https://www.korean.go.kr/front/onlineQna/onlineQnaView.do?mn_id=216&qna_seq=97248